

Ўзбекистон Республикаси маҳаллий олий таълим муассасалари талабалари  
ўртасида

“BIG IDEA CHALLENGE - 2018”

Кўрик-танлови

I. Кўрик-танлов ҳақида маълумот

“Big Idea Challenge” кўрик-танлови бу Лондон Метрополитен Университети томонидан инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш ва кенг тарғиб этиш мақсадида ташкил этилган инновация ва ташаббускорликни қўллаб-қувватлаш танловихисобланади.

Ушбу танлов инновацион ва барқарор бизнес ғоясини яратиш бўйича аниқ ва инновацион ғояларга эга бўлган ёшларга ўз ғоялариривожлантириш ва ғоямаҳсулотларини маҳаллий бозорга олиб чиқиш бўйича мапакали мутахассислар билан тажриба алмашиш имкониятини беради.

Ҳозирги кунда Лондон Метрополитен Университети томонидан ташкил этилган ушбу лойиҳа оммалашган бўлиб, стартап ва инновацион лойиҳаларни қўллаб-қувватлайдиган ягона дастур саналади.

II. Кўрик-танлов концепцияси

Ўзбекистондаги Британия Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Лондон Метрополитен Университети ҳамкорлигида “Big Idea Challenge” кўрик-танловини ташкил этиш ва ўтказиш режалаштирилган. Ушбу кўрик-танловни ўтказишдан қўзланган асосий мақсад маҳаллий олий таълим муассасалари талабаларининг Британияда ташкил этиладиган инновация ва ташаббускорлик кўрик-танловда иштирок этиш имкониятини беради.

Кўрик танловнинг асосий вазифаси маҳаллий олий таълим муассасалари талабаларига чет эллик талабалар қаторида ўз лойиҳалари билаништирок этиш, шу билан бирга инновацион ва ташаббускорлик бўйича нуфузли халқаро тренингларда қатнашиш имкониятини беради.

Ушбу кўрик-танлов Британия Кенгашининг “Махсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили” лойиҳаси билан бевосита боғланган ҳолда ташкил этилади. “Big Idea Challenge” кўрик-танлови инглиз тилида ташкил этилади. Маҳаллий олий таълим муассасалари талабалар инновация ва бизнесга оид билимларини инглиз тилида мулоқот орқали мустаҳкамлаш имкониятига эга бўладилар.

Мазкур кўрик-танлов “Ижтимоий соҳада инновация” йўналишида янги инновацион ва бизнес ғояларни қўллаб-қувватлашга қаратилган.

III. “Ижтимоий соҳада инновация”

Кўрик-танлов иштирокчилари яшаб турган ҳудуд (шаҳар, туман, қишлоқ, маҳалла) да жамиятга фойда келтирадиган инновацион лойиҳалар билан иштирок этишлари лозим. Мамлакатимиз ҳудуди билан боғлиқ бўлган масалалар ва эҳтиёжларга ижтимоий, атроф-муҳит ҳамда жамиятга фойдали бўлган ғоялар орқали ўз ечимини топиш керак.

Кўрик-танловда иштирок этишингиз мумкин, агар сиз:

- яқна шахс ёки 3 кишидан иборат жамоа бўлсангиз;
- ижтимоий эҳтиёжларга ечим топиш орқали бизнесга эга бўлишни хоҳласангиз;

- жамият учун ижобий таъсир қиладиган ижтимоий янгиликларни олиб киришга тайёр бўлсангиз;
- бугунги кунда жамият олдида ўз ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал қилишнинг янгича йўлларини очиш истасангиз бўлса.

#### IV. Кўрик-танловни ташкил этишда амалга ошириладиган ишлар

**Кўрик-танловда иштирок этиш бўйича мурожаат:** Кўрик-танлов ҳақида маълумот 2018 йил 30 сентябрь кунингизга қилинади. Ушбу кўрик-танловда иштирок этишни истаган маҳаллий олий таълим муассасалари ўз иштирокчиси юзасидан 31 октябргача мурожаат қилишлари шарт. Мазкур кўрик-танлов ҳақида INNOWEEK (15-19 октябрь 2018 йил) доирасида кенг оммага маълум қилиниши кўзда тутилган.

**Тренерларни тайёрлаш:** 2018 йил 16 ва 18 октябрь кунлари маҳаллий тренерларга Лондон Метрополитен Университети мутахассислари томонидан кўрик-танловнинг шартлари бўйича тренинг ташкил этилади.

**Дастлаб иккита олий таълим муассасасига учун тренинг:** 2018 йил 17 октябрь куни Лондон Метрополитен Университети мутахассислари ва тренерлар томонидан иккита олий таълим муассасида уч соатли тренинг ташкил этилади. Ҳар бир тренинг якунига кўра куннинг ғолиби аниқланади, аммо, бу ўз ғояларини тўғридан-тўғри тақдим этадиган қатнашчилар иштирокини чекламайди.

**Кўрик-танловни оммалаштириш:** 2018 йилнинг ноябрь ойидан 2019 йилнинг январь ойигача маҳаллий тренерлар томонидан иштирок этадиган олий таълим муассасалари талабалари учун тренинглар, онлайн сессия/вебинарлар ташкил этилиши режалаштирилган. Иштирок этишни хоҳлаган университетлар талабидан ва иштирокчилар сонидан келиб чиққан ҳолда ушбу тренинглар ташкил этилиши мумкин.

#### V. Кўрик-танлов иштирокчиларига қўйиладиган талаблар

- Кўрик-танловда Ўзбекистондаги барча маҳаллий олий таълим муассасалари иштирок этишлари мумкин;
- Жамият учун хизмат қиладиган ижтимоий янгиликларни олиб киришга тайёр бир кишилик ёки 3 кишидан ташкил топган жамоа кўрик-танловда иштирок этишлари мумкин;
- Иштирокчилар ўз лойиҳасини инглиз тилида топширишлари ва инглиз тилида ўз фикрларини баён этишлари шарт;
- Тренингда қатнашадиган олий таълим муассасалари талабаларнинг ўзлари яшаб турган ҳудуд (шаҳар, туман, қишлоқ, маҳалла)да ижтимоий аҳамиятга эга инновацион ғоялари қўллаб-қувватланади;
- Ҳар бир иштирокчи 18 ёшдан - 30 ёшгача бўлишлари шарт;
- Иштирокчилар Ўзбекистон Республикаси фуқаролар бўлишлари шарт.

#### VI. Кўрик-танлов босқичлари

**Кўрик-танловнинг биринчи босқичи:** кўрик-танловга иштирокчиларнинг аризалари ва лойиҳа ғоялари шу йил 1 ноябрдан – 2019 йилнинг 1 февралига қадар қабул қилинади. Иштирокчилар ўз лойиҳаларини онлайн саҳифа (сайт) ҳаволаси тақдим этилади) орқали топширишлари шарт.

2019 йил 4 февралга қадар иштирокчилар лойиҳалари кўриб чиқилади ва сараланadi. Танлаб олинган иштирокчиларни кейинги босқичга ўтганлиги ҳақида маълумот 2019 йил 6 февраль кунизълон қилинади.

**Кўрик танловнинг иккинчи босқичи:** танлаб олинган иштирокчилар (кўрик-танловда иштирок этган ҳар бир олий таълим муассасасидан биттадан лойиҳа танлаб олинади) учун 2019 йил 20 февраль кuni Лондон Метрополитен Университети мутахассислари ҳамда маҳаллий юқори таърибага эга экспертлар томонидан 8 соатлик "Bootcamp" тренинги ташкил этилади (18–19 февраль кунлари Лондон Метрополитен Университети мутахассислари ҳамда юқори малакага эга маҳаллий экспертлар томонидан тренинга тайёргарлик кўриш ишлари амалга оширилади). 2019 йил 21 февраль кuni тренингда сўнг иштирокчилар томонидан тайёрланган лойиҳалар тақдими видео тасвирга ёзиб олинади.

Видео тасвирга ёзиб олинган лойиҳалар тақдими ҳакамлар томонидан 2019 йил 13 мартта қадар танлаб олинади ва кейинги босқичга тасвир этилади;

**Кўрик-танловнинг учинчи босқичи:** Тасвир этилган видео лойиҳа тақдими веб саҳифага жойлаштирилади. Видео лойиҳа тақдими 2019 йил 20 мартдан 7 майгача жамоатчилик эътиборига ҳавола этилади, шу давр мобайнида веб саҳифа орқали жамоатчилик овоз бериш имкониятига эга бўлади.

**Ғолиб ва совриндорларни аниқлаш:** Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра ягона ғолиб жамоа аниқланади ҳамда ундан кейинги 5 талик (2-6 ўринлар) кетма-кетлиги аниқланади. Бундан ташқари энг кўп жамоатчилик овозини тўплаган видео тақдими "Жамоатчилик овози ғолиби" номинациясини қўлга киритади, аммо бу ҳакамлар ҳайъатининг якуний ҳулосаси таъсир қилмайди.

## VII. Ҳакамлар ҳайъати

Ҳакамлар ҳайъати кўрик-танлов ташкилотчилари, ўз бизнесига эга ва стартап ғояларини молиялаштиришга кўмак берадиган тадбиркорлардан иборат куйидаги аъзолардан ташкил топади:

- Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги вакиллари;
- Ўзбекистондаги ўз тадбиркорлигига эга бўлган субъектлар;
- Кўрик танловга жалб қилинган Ўзбекистон олий таълим муассасалари тренер ва инновацион экспертлари;
- Мустақил экспертлар;
- Лондон Метрополитен Университети ходимлари.

Халқаро ҳакамлар ҳайъати видео конференция орқали ғолибларни аниқлашда иштирок этадилар.

## VIII. Кўрик-танлов ғолиблари

- Ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра ўз ғоясини барқарор бизнесга айлантириш имкониятига эга бўлган жамоа кўрик-танловнинг асосий ғолиби деб эълон қилинади;